



Ислом динига кўра харом тушунчаси ҳаммага бир хилда тегишли эканлиги билан белгиланади. Исломда араб бўлмаганга харом саналиб арабга халол бўлган ҳеч нарса йўқдир. Қора танлигига манъ қилиниб оқ танли учун рухсат берилган ва мубоҳ бўлган ҳеч бир ҳолат мавжуд эмас. Қохин, поп, хахам ёки давлат одами каби маълум бир синфга мансуб кишиларга берилган алоҳида бир изн ё махсус бир ҳуқуқ мутлақо йўқ. Хатто қофирга харом бўлган нарсани мусулмонга халол қилган ҳеч қандай амр ва хусусият ҳам йўқдир. Чунки Аллоҳ таоло мўмин бўлсин, қофир бўлсин ҳаммининг Парвардигори - Роббидир. Унинг ҳуқуқлари ҳар нарсадан устундир. Аллоҳ таоло бирор нарсани халол қилган бўлса, у бутун инсонлар учун халол ҳисобланади, у харом қилган нарсалар эса қиёмат қунигача ҳамма-ҳамма учун бир хилда харом саналади. Масалан: Исломда ўғрилиқ қатъиян харомдир. Бу ишни қилган киши мусулмон бўлса ҳам, мусулмон бўлмаса ҳам, моли ўғирланган киши мусулмон ёки гайри дин бўлса ҳам булардан қатъий назар ҳуқуқ барча учун тенгдир. Яъни, харом ҳар қандай ҳолатда ҳам харом саналади.

Насли-насаби, келиб чикиши, ким бўлишидан катъий назар ҳаммага бир хил жазо кўрилади. Бу Расулуллох саллаллоху алайхи вассалом бевосита амал килган ва бошқалардан ҳам шуни талаб этган ягона одил йўлдир. Куйидаги хадиси шариф очик ва равшан бир шаклда буни бизга таълим беради: "Аллох таолонинг пок номи билан касам ичиб айтаманки, ўгрилик килган Мухаммаднинг кизи Фотима бўлса ҳам, унинг кўлини кесардим". (Бухорий).

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалом даврида бир ўгрилик холати бўлиб, бир яхудий билан бир мусулмондан шубха килинган, мусулмоннинг баъзи кариндошлари бир катор далиллар келтириш йўли билан шубхани ундан узоклаштириб, айбни яхудийнинг бўйнига кўйишга уринадилар. Асл ўгри мусулмон бўлгани холда хатто Расулуллох саллаллоху алайхи вассалом ҳам айбсиз деб ишониб ўгрининг тарафини олган эдилар. Шу холатда хакикий хоинларни эълон килган, яхудийнинг айбсиз эканини билдирган, Ислом пайгамбарига танбех берган ва хакни карор топтирган илохий вахий келди. У илохий вахий ва амр шу эди: "Албатта, Биз сизга ушбу хак Китобни (Куръонни) одамлар орасида Аллох кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил килдик. Сиз хоинларни химоя килгувчи бўлманг. Аллохдан магфират килишни сўранг! Албатта, Аллох магфират килгувчи ва меҳрибон бўлган зотдир. Сиз ўзларига хиёнат киладиган (жинояткор) кимсаларнинг ёнини олманг! Албатта, Аллох хоин ва жиноятчи бўлган кимсаларни севмайди. Улар (ўзларининг жиноятларини) одамлардан яшира оладилар, аммо Аллохдан яшира олмайдилар. У Ўзи рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфиёна тузаётган пайтларида ҳам улар билан бирга бўлур. Аллох уларнинг килаётган амалларини ихота килгувчи бўлган зотдир. Хой сизлар, бу дунёда-ку, уларни ёнини олдингиз. Энди киёмат кунида ким уларни Аллохдан химоя килиб ёнларини олур ёки ким уларнинг устида вакил бўлиб турар?!" (Нисо сураси - 105-109).

Хак йўлдан адашган ва аслини йўкотган яхудийлик бир яхудийнинг бошка бир яхудийга фоизга карз беришини харом яхудий бўлмаганга беришни халол хисоблайди. Бу мунофикона фикр "Тасния"да куйидагича ўз ифодасини топган: "Бир биродарингга пул, озик-овкат ёхуд фоизга бериш мумкин бўлган хар кандай бир нарсени фоизга, карзга берма, бегоналарга фоизга карз беришинг мумкин. Аммо ўз биродарингга асло..." (23-19). Яхудийларнинг бунга ўхшаш баъзи ходисаларни Куръони Карим бизга ибрат сифатида билдиради. Масалан: уларнинг ўз динларидан ва миллатларидан бўлмаган инсонларга карши алдов ва хиёнатга рухсат берганлари ва бу ишда ҳеч кандай шубха ва гуноҳ кўрмасликлари сингари. Бу хусусда Куръони Каримда очик ва равшан оятлар мавжуд: "Ахли китоб орасида шундай кишилар борки, унга бехисоб молни омонат кўйсангиз хиёнат килмай сизга кайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга кайтариб бермайди. Бунинг боиси - уларнинг "омий-китобсиз кимсалар учун бизнинг устимизга ҳеч кандай йўл йўк", дейишларидир. Улар билиб туриб Аллох хакида ёлгон сўзларни сўзлайдилар" (Ол-и Имрон сураси-79).

Ҳа, улар Аллох таолонинг юксак шаънига ёлгон сўзламокдалар. Чунки Унинг шарияти ҳеч бир миллатни бошка миллатдан айирмайди. Аллох таоло бутун пайгамбарларнинг тили билан алдов ва хиёнатнинг ҳамма учун харом бўлганлигини очик билдиргандир. Бизни кайгуга солган нарса бу гоятда ибтидоий ва хатто хайвоний бўлган туйгунинг Бани Исроиллар томонидан самовий бир динга нисбат берилишидир. Чунки бутун инсонлар томонидан тўгри ва гўзал ўларок қабул этилган юксак ахлоқ бировга халол килинган нарсени бошкага харом килмаган ва бу тарика ҳаммага бир хилда тегишли

бўлган ақлоқдир. Ибтидоий инсонлар билан бизнинг орамиздаги фарқ ахлокий доиранинг бор ёки йўклиги эмас балки бу доиранинг кенгайишидир. Масалан: бу хол бир қабиланинг аъзолари орасида бўлсагина шундай ҳисобланади. Агар қабилани доирасидан чиқилса ҳиёнат жоиз ё мустахаб хаттоки вожиб бўлади.

"Маданиятнинг ҳикояси" (1-жилд, 95-саҳифа) китобининг муаллифи ўз китобида шундай ёзади: "Деярли бутун башарий жамиятлар бошқа жамиятларнинг ўзларидан бир даража паст эканлигига ишонадилар ва бу ҳусусда масалан: маҳаллий америкаликлар ўзларини бутун инсониятга ўрнак сифатида "олий рух" томонидан яратилган бир миллат деб ҳисоблайдилар ва бунга қаттиқ ишонадилар. Хиндуларнинг бир қабиласи эса ўзларидан бошқа инсонларнинг йўклиги фикрини олға сурадилар. Бошқа бир қабилани ўзларини "инсонлар ичидаги инсонлар" номи билан айтадилар. Қрибиёнлар эса "фақат биз инсонмиз" дейдилар... Бутун бу ҳолатлардан келиб чиқиб айта оламизки, ибтидоий инсонлар бошқа миллат аъзоларини ўз қабилани аъзолари билан тенгликка қўра оладиган ахлокий қоидаларга эга эмаслар. Улар очикдан "ахлоқнинг вазифаси ўз аъзолари орасидаги боғларни янада мустаҳкамлаш ва ўз жамиятларини бошқа жамиятлар қаршисида соғлом тутишдан иборатдир" деган иддаони байроқ қилиб олганлар. Шунга қўра ахлокий қоидалар ва ҳалол харом ҳусусидаги ҳукмлар фақат ўз қабилани аъзолари орасида татбиқ қилиниши мумкин. Бошқа қабилалар ва миллатлар токи уларнинг меҳмони бўлмас эканлар, бу ахлокий қоидалардан фойдалана олмайдилар. Шу туфайли улар учун бегоналар билан истаганларидай муомала қилиш ихтиёрийдир".

Шайх Юсуф Қаразовий

"Исломида ҳалол ва харом" китобидан